



Мухаммад Асад

Исроил тузумини тан олмайдиган ва Покистон асосчиларидан бири бўлган яхудий рухонийларининг авлоди намоёндаси.

Мухаммад Асад 1900 йилда тугилган. Исломни қабул қилишидан аввал унинг исми-шарифи Леополд Вайс бўлган. У раввинларнинг қадимий уругига муносиб бўлган. Бир неча йил давомида у бир нечта йирик Европа рўзномаларида махсус мухбир сифатида фаолият юритган. 1926 йилда Исломни қабул қилган. Узок вақт Якин Шарк мамлакатларида, бир қанча вақт мобайнида Саудия Арабистонида истикомат қилган. Сўнг у Хиндистонга кўчади ва Покистон давлатига асос солинишида муҳим рол ўйнайди.

1947 йилда Покистон давлати эълон қилингандан сўнг ёш давлатда юкори раҳбарлик мансабларини эгаллаб келган, кейинчалик эса унинг БМТдаги вакили этиб тайинлаган. Деярли бутун умри давомида Куръон ва араб тилини ўрганишга катта эътибор берган. У томонидан таълиф этилган Куръон тафсири инглиз тилидаги энг яхши замонавий тафсилардан ҳисобланади. У Исроил тузуми ва сионистликни тан олмаган.

“1922 йилда мен ватаним Австрияни тарк этиб, Европанинг етакчи рўзномаларидан бирининг махсус мухбири сифатида Африка ва Осиё давлатларига жўнаб кетдим. Ўшандан бери менга деярли бутун умримни Ислом Шаркида ўтказишим тақдир қилинган экан. Аввалига мен барчасига хорижликнинг одатий назари билан, худди кузатувчидек қарадим. Мен Европада билган ва кўниккан ҳаёт тарзидан умуман фарқ қилувчи ҳаётга дуч келдим. Шундай бўлсада, менда дарҳолгина европаликларга нисбатан анчайин хотиржамрок, хатто одамийрок умумий таълимот ва ҳаёт тарзига нисбатан чуқур муҳаббат уйғонди. Мен ўзим шохиди бўлган фарқларнинг сабабларини аниқлаш ва англашга иштиёқ тугилди ва мен мусулмонларнинг хатти-ҳаракатлари ва ҳаёт тарзларининг асоси бўлган уларнинг диний китоблари билан қизиқдим. У вақтларда

менинг кизикиш ва мухаббатим Ислом кучогига ўзимни дархол ташлайдиган даражада кучли эмас эди. Аммо мен ўзим учун жадал ривожланувчи, жуда оз ташки можаролар ва карама-каршиликлар ҳамда самимий биродарлик руҳи билан қурилган инсон жамиятини тузишнинг янги ва қутилмаган истиқболлини кашф этдим. Бир вақтнинг ўзида мен шохиди бўлган мусулмонларнинг ҳозирги ҳаёти воқелиги Ислом таълимотида берилган ўша ажойиб имкониятларга тўла зид келар эди. Ислом томонидан ваъда берилган тараққиёт ва ҳаракат ўрнига мен замонавий мусулмонларда танбаллик ва қолоқликни, саҳийлик ва ўзини-да қурбон қилишга тайёрлик ўрнига чегаранганлик ва енгил-ёлпи ҳаётга интилувчанликни кўрдим. Бундай номутаносибликдан эсанкираб қолган ва таъсирланганимдан мен бу муаммога шахсий нуқтаи назаримдан ёндашишга қарор қилдим ва ўзимни Исломдагидек тасаввур қилишга ҳаракат қилдим. Бу соф ақлий тафтиш бўлиб, у менга айтирли қиска вақт ичида мен томонимдан аниқланган номутаносибликнинг аниқ сабаби тўғрисидаги аниқ ва тўғри жавобни олишга ёрдам берди. Мен шуни англадимки, мусулмонларнинг ижтимоий ва маданий қолоқ аҳволга тушишининг яққою ягона сабаби уларнинг Ислом таълимотига амал қилмай қўйганларида экан. Маънавий жихатдан Ислом ҳали йўқотилмаган бўлсада, амал аввалги қонун-қоидалардан четланиб кетилган эди ва натижада жасад руҳсиз қолган эди. Қачонлардир мусулмон оламининг мустақамланишида асосий рол ўйнаган диний ўзақ бугунги кунда унинг заифлашуви сабаб бўлган эди. Ислом жамияти аввал бошдан фақат диний асосга қурилган эди ва бу асоснинг заифлашуви маданий тузилмани шубҳасиз барбод этиб, муайян вазиятларда ҳатто унинг тўлиқ йўқолишига олиб келмоғи мумкин.

Ислом таълимотининг лўндалиги ва амалийлигини тушунганим сайин мусулмонлар унга амал қилмай қўйганлари масаласи мени шунча кўп қийнай бошлади. Бу саволга жавобни Либия чўлларида Помиргача, Босфордан Араб денгизигача бўлган жойлардаги мамлакатларда учратган кўплаб тафаккурли мусулмонлардан изладим. Бу излаш мен учун ҳаёлдан кетмайдиган ўй-ҳаёл бўлиб қолди. Ва оқибатда у Ислом оламида мени қизиқтирган барча бошқа масалаларнинг ўрнини босди. Иш шу даражага бордики, мусулмон бўлмай туриб, мен мусулмонлар билан худди Исломни уларнинг бефарқлиги ва ялқовлигидан ҳимоя қилаётгандек гаплашардим. Бу ҳолат 1925 йил қузида Афғонистон тоғларида бир ёш губернатор менга: “Менга қаранг, сиз аслида мусулмонсизку, аммо ўзингиз буни тушунмаяпсиз!”, - дегунигача давом этди. 1926 йилда мен Европага қайтганимда ўзгарганим ва умуман бошқа инсонга айланганимни ва Исломни қабул қилишим мен учун мантикий, тўғри ва табиий қадам бўлишини тушундим.

Шу тарзда мен мусулмон бўлдим. Тан олишим зарурки ўшандан бери ўзимга тез-тез: “Сен нега Исломни қабул қилгансан? Сени ундаги нима ўзига жалб этди?”, деб савол берман. Рост, мени қандайдир қоникарли жавобим йўқ бу саволга. Гап мени ўзига қорлаган муайян бир таълимот устида эмас, балки яхлит бир хайратланарли ва ақл бовар қилмас даражадаги аниқ тузилишга эга маънавий таълимот дастури ва амалий ҳаёт тарзидадир. Ҳатто ҳозир ҳам мен унинг айни қайси жихати менга кўпроқ ёқишини

айта олмайман. Ислом менинг назаримда гўё бинокорнинг мукаммал бир асаридек. Унинг барча кисмлари ўзаро уйгун равишда ўйланган, бир-бирини тўлдиради ва кўллаб-қувватлайди, унда ортикча ёки етмаётган бўлак йўк. Натижада эса - мукаммал мувозанат ва хамма жихатлар хисобга олинган тузилма. Ислом таълимоти ва унинг карашларида “хаммаси ўринли” деган хис менда катта таассурот уйготган бўлса керак. Балки бошка хиссиётлар хам бўлгандир аммо хозирда уларни тахлил килиш мен учун мушкул. Алал окибат, иймон – бу мухаббатнинг иши, мухаббат эса жуда кўп нарсаларни ўз ичига олади: бизнинг истакларимизни, ёлгизлигимизни, бизнинг олий максадларимиз ва интилишларимизни, камчиликларимиз, бизнинг кучимиз ва заифлигимизни.

Мен Исломни кабул килганимдан бери у хакида имкон кадар кўпрок нарса ўрганишга интилар эдим. Куръон ва Набийимизнинг саллаллоху алайхи вассаллам одатларини, Ислом тилини ва унинг тарихини ўрганар эдим, бундан ташкари у Зот алайхиссалом хакида ва у зот алайхиссаломга карши ёзилган кўплаб нарсаларни ўргандим. Беш йилдан ортик Хижоз ва Наджда, асосан Мадинада яшадим, бу Набий алайхиссалом томонидан даъват этилган ушбу дин яралган табиий мухитни хис этиш учун килинган эди. Хижоз дунёнинг кўплаб мамлакатлари мусулмонларининг учрашадиган маркази бўлгани сабабли менда хозирда ислом оламидаги кенг ёйилган асосий турли диний ва ижтимоий карашларни кўриш имкони пайдо бўлди. Бу изланишлар ва солиштиришлар давомида Ислом маънавий ва ижтимоий ходиса сифатида инсон зоти эга бўлган энг улкан кучдир. Албатта, алохида шахсларнинг камчиликлари туфайли юзага келган айрим салбий жихатлар бундан мустасно. Шунинг учун хам ўша вақтдан эътиборан менинг барча кизикиш ва харакатларим Исломни кайта тирилтириш муаммосига йўналтирилди.